

# ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК КУТУБХОНАЛАРНИ РИВОЖЛНИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШИ СИФАТИДА

*Рустомова Мухайё Олимовна*

*Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят  
аҳборот-кутубхона маркази илмий  
методика хизмати раҳбари*

**Annotation:** This article describes the events held within the framework of mutual cooperation between the Fergana regional branch of the Agency for the Development of Public Services and the Fergana regional information and library center named after Akhmad Fergani as the "Fergana experience" with the aim of bringing the formation of a reading culture to a new level in enterprises, organizations and institutions, districts and cities of the Fergana region, as well as developing the interest of civil servants in reading books.

**Key words:** public servant, information-library service, reading, cooperation, project, reading, departmental libraries, memorandum.

**Аннотация:** В данной статье рассказывается о мероприятиях, проводимых в рамках взаимного сотрудничества Ферганского областного филиала Агентства по развитию государственных служб и Ферганского областного информационно-библиотечного центра имени Ахмада Фергани в качестве «Ферганского опыта» с целью вывести на новый уровень формирование культуры чтения на предприятиях, в организациях и учреждениях, районах, городах Ферганской области, а также развивать интерес государственных служащих к чтению книг.

**Ключевые слова:** государственный служащий, информационно-библиотечное обслуживание, чтение, сотрудничество, проект, чтение, ведомственные библиотеки, меморандум.

**Аннотация:** Ушбу мақолада Фарғона вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасалар, туман, шаҳарларда китобхонлик маданиятини шакллантиришни янги босқичга олиб чиқиши, давлат хизматчиларини китоб мутолаасига қизиқишини ривожлантириш мақсадида “Фарғона тажрибаси” сифатида Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги Фарғона вилояти филиали ва Аҳмад Фарғоний номидаги Фарғона вилоят ахборот-кутубхона маркази ўзаро ҳамкорлик доирасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритилади.

**Калит сўзлар:** давлат хизматчиси, ахборот-кутубхона хизмати, китобхонлик, ҳамкорлик, лойиҳа, мутолаа, идоравий кутубхоналар, меморандум.

## Кириш

Кутубхоналар оз ишларида кўпинча жамоанинг бир қисми боълмаган, лекин турли лойиҳаларни амалга оширишга таъсир қўрсатадиган ва муассасанинг кундалик фаолиятида ёрдам берадиган турли ҳамкорлар билан ҳамкорлик қиласидар.

Замонавий кутубхоналар ҳамкорлар билан ҳамкорликда китобхонлик ва маданий-маърифий лойиҳаларни оммалаштириш, олга силжиши ва ривожланиши керак. Ҳар қандай шерик турли лойиҳаларни амалга ошириш ва ишлаш учун зарур бўлган манбалар манбаи ҳисобланади.

2019 йил 7 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати қўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорнинг 10-бандида вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан давлат органлари ва бошқа ташкилотларда, шу жумладан ҳарбий қисмларда идоравий кутубхоналарни ташкил қилиш (такомиллаштириш), идоравий кутубхоналарнинг китоб фондини ва моддий-техника базасини яратиш, янгилаш ва тўлдириш вазифалари белгиланган.

ПҚ-4354-сон қарорининг 10-банди талабларидан келиб чиқиб, вилоятдаги давлат органлари ва бошқа ташкилотларда хизмат қилаётган ходимларнинг жамоавий китобхонлик маданиятини янада ошириш, ишчи-хизматчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкиллашга шароит яратиш ва кутубхона хизматидан фойдаланишни яхшилаш мақсадида, 2019 йил 16 июлдаги Фарғона вилоят ҳокимининг 254-ф-фармойиши тасдиқланган.

Мазкур фармойишига мувофиқ вилоятдаги 102 та давлат органлари, бошқармалар ва ташкилотлар, туман-شاҳар ҳокимликларида идоравий кутубхоналар ташкил этилиши кўзда тутилган.

Мазкур идоравий кутубхоналар фаолияти яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигига 2023 йил 22 декабр куни ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгаши кенгайтирилган йиғилиши давомида берилган топшириқлар бўйича 50-сонли баён ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги “2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорини ижросини таъминлаш ҳамда миллий қадрият ва анъаналаримиз, урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиш билан давлат ташкилот ва корхона ходимлари орасида бадиий асарлар ўқиши тарғиботи орқали ватанпарварлик, адолатпарварлик, инсонийлик ва ўзаро меҳр-оқибат туйгуларини мустаҳкамлаш, давлат хизматчилари онгига маърифий ва мафкуравий тушунчаларни сингдириб бориш, уларда миллий ва ахлокий, ҳуқуқий тарбияни, бой адабий меросимизга бўлган меҳр-хурматни кучайтириш, вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасалар, туман, шаҳарларда китобхонлик маданиятини шакллантиришни янги босқичга олиб чиқиш, давлат хизматчиларини китоб мутолаасига қизиқишини ривожлантириш учун ахборот-кутубхона муассасалар билан ҳамкорлигини янада самарадорлигини ошириш мақсадида, 2024 йилда Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги Фарғона вилояти филиали ва Вилоят ахборот-кутубхона маркази ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида МЕМОРАНДУМ имзоланди.

Унда идоравий кутубхоналар фаолияти яхшилаш, вилоятдаги давлат органи ва ташкилотларда фаолият юритаётган давлат фуқаролик хизматчилари ўртасида китобхонлик маданиятини ривожлантириш, фаол китобхонларнинг сафини янада кенгайтириш, мутолаа маданиятини ошириш, китобхонлик бўйича кўрик-танловларни ўтказиш ва китоб тарқатиш тизимини янада ривожлантириш бўйича ўзаро ҳамкорликнинг йўналишлари белгиланди.

Ҳамкорлик доирасида “Фаргона тажрибаси” сифатида 2024 йил май ойида Фарғонда илк бор давлат хизматчиларини китоб мутолаасига қизиқишини ривожлантириш учун ахборот-кутубхона муассасалар билан ҳамкорлигини янада самарадорлигини ошириш мақсадида **“Китобхон давлат хизматчиси”** кўрик-танлови ўтказилди.

Танлов давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларда фаолият олиб бораётган давлат фуқаролик хизматчилари ўртасида **“Энг яхши китобхон давлат фуқаролик хизматчиси”**, **“Энг бой кутубхонага эга давлат фуқаролик хизмати”** ва **“Энг яхши китобхон раҳбар”** номинациялари бўйича беллашилди.

Мазкур танловларда:

**“Энг яхши китобхон давлат фуқаролик хизматчиси”** номинацияси қўйидаги мезонлар бўйича баҳоланди.

- маърифий-ижтимоий асарлар юзасидан етарли билимга эга эканлиги;
- ўқиган бадиий асарларининг сони ва уларнинг мазмун моҳиятини таҳлилга торта олиши;
- жаҳон ва ўбек адабиётидан берилган намуналарнинг ғоясини таҳлил қила олиш қобилияти;
- мумтоз ва замонавий жаҳон ҳамда ўзбек адабиёти намуналаридан хабардорлиги, мутолаа имиджига эгалиги;
- иш фаолиятида ўзига хос ютуқларга эриша олиши, замон билан ҳамнафаслиги, жамият ҳаётининг иқтисодий ва сиёсий соҳаларидаги ўзгаришлардан иш жараёнида фойдалана олиши;

- ахборот-коммуникация технологияларидан иш жараёнида самарали фойдалана олиши;
- оммавий ахборот воситаларидағи фаоллиги даражаси.

**“Энг бой кутубхонага эга давлат фуқаролик хизмати”** номинацияси қуидаги мезонлар бўйича баҳоланди.

- кутубхона учун ажратилган жой ва яратилган шароитнинг мавжудлиги;
- ташкилотдаги мавжуд ахборот-кутубхона ҳолати;
- ташкилотдаги ахборот-кутубхонанинг китоб фонди ҳолати ва охирги уч йил давомидаги фонд бойитилиши;
- ташкилот кутубхонасида ижтимоий-сиёсий, маънавий-мағфуравий ҳамда бадиий адабиётларнинг мавжудлиги;
- ташкилот кутубхонасига аъзо бўлганлар ва китобхонлар даражаси;
- оммавий ахборот воситаларидағи фаоллиги даражаси.

**“Энг яхши китобхон раҳбар”** номинацияси қуидаги мезонлар бўйича баҳоланди.

- ўзи раҳбарлик қилаётган ташкилотда ишчи-ходимлар учун кутубхона ташкил қилганлиги;
- кутубхона фондидаги мавжуд адабиётлар сони;
- ташкилотда китобхонликни ривожлантириш ва ишчи-ходимларни китоб ўқишларини рағбатлантириш бўйича амалга оширилган ишлар;
- раҳбарнинг мавжуд кутубхоналарга аъзолиги.

Танлов доирасида 50 дан ортиқ ташкилотларида кутубхоналар ташкил этилди, давлат хизматчилари ўртасида китоб мутолааси яхшиланди. Китобхонлик йўналишида турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди.

Ташкил этилган идоравий кутубхоналардан Молия бошқармаси, Вилоят прокуратураси, “Фарғонааазот” акциядорлик жамияти, Фарғона имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар мактаби, Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерасиясининг Фарғона вилоят кенгаши, Шарқий ҳарбий округ Фарғона

гарнizonи маънавият ва маърифат маркази, Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи, Фарғона шаҳар 7253-ҳарбий қисм, Фарғона шаҳар 5-оилавий поликникаси, Фарғона ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон илмий синов ва сифат назорат маркази давлат муассасаси Фарғона филиали, Фарғона шаҳар И.А.Каримов издошлари мактаби, Фарғона Ихтисослаштирилган санъат мактаби ҳамда “Худудгаз Фарғона” газ таъминоти филиалларнинг идоравий кутубхоналарини фаолияти намуна сифатида кўрсатилди.

Танлов якунига қўра “Энг яхши китобхон раҳбар” номинациясида вилоят иқтисодиёт ва молия бошқармаси бошлиғи Зафаржон Рўзалиев, “Энг бой кутубхонага эга давлат фуқаролик хизмати” номинациясида агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси вилоят бошқармаси ҳамда “Энг яхши китобхон давлат хизматчиси” номинациясида Қувасой шаҳар ҳокими маслаҳатчиси Ҳусниддин Хўжаназаров биринчи ўринни эгаллади.

Ушбу ҳамкорлик 2025 йилда ҳам давом этмоқда. Буни бир исботи сифатида Давлат фуқаролик хизматчилари ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида Фарғона вилоят ҳокимининг 2024 йил 10 декабрдаги 663-11-0-К/24-сонли ““Давлат хизматчиси кутубхонада бир кун” лойиҳасини ташкил этиш ва ўтказишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида яна бир ташаббусга қўл урилиб, мазкур лойиҳа ташкил этилди.

Лойиҳани ўтказишдан асосий мақсад давлат хизматчилари ўртасида касбий малака ва қўнималарни доимий равища ривожлантириб бориш, китобхонликга жалб қилиш, уларнинг орасида мутолаа маданиятини ошириш ҳамда ахборот-кутубхона муассасалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашдан иборат.

Мазкур лойиҳа доирасида туман (шаҳар) ҳокими ўринбосарлари ҳамда комплекс таркибига кирувчи барча бошқарма ва ташкилотлардаги давлат хизматчиларини режа-жадвал асосида тўлиқ иштирок этишади.

Январ ойида илк ташкил этилган тадбир нафақат вилоят ахборот-кутубхона марказида балки туман, шаҳар ахборот-кутубхона марказларида ҳам кенг ўтказилди.

Мазкур тадбирларда Вилоят ҳокимлиги, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Фарғона филиали билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда туман-шаҳарлар ҳокими ўринбосарлари, соғлиқни сақлаш, мактабгача ва мактаб таълими, спорт, олий таълим, фан ва инновасиялар бошқармалари, Ёшлар ишлари агентлиги, Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси ҳудудий бўлимлари ҳамда туман ва шаҳарлар ахборот-кутубхона марказларидан давлат хизматчилари иштирок этди.

Лойиха доирасида дастлаб давлат хизматчилари кутубхонага аъзо бўлдилар. Китоб тарғиботининг интерфаол шакллари намойиш этилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Шерзоджон Полвонов, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Фарғона филиали раҳбари Аҳаджон Акбаров ва бошқалар китоб мутолааси, китобхонлик ҳар бир давлат хизматчиси учун муҳим мезон бўлишини қайд этиб, ўзларининг китоб ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириди. Самимий мулокотда Фарғонада китобхонликни янада оммалаштириш бўйича таклифлар айтиб ўтилди.

Давлат хизматчиларининг билим кўникмаларини аниқлаш мақсадида “Заковатли ходим” интеллектуал викторина ўйини ўтказилиб, ғолиблар тақдирланди. Иштирокчилар мантиқий ва тезкор саволларга тез ва аниқ жавоб беришдилар.

Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби ўқувчилари томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари намойиш қилинди, “Муваффақиятлар мактаби” маҳорат дарси иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Жавлон Жовлиевнинг “Қўрқма” романи асосида яратилган фильм давлат хизматчиларига манзур бўлди.

Вилоятдаги давлат хизматчиларини китобхонлик, мутолаа маданиятини ошириш ва фаол китобхонларнинг сафини янада кенгайтириш соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида,

Ёшлар ишлари агентлиги Фарғона вилоят бошқармаси;

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси;

Фарғона вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси;

Маънавият ва маърифат маркази Фарғона вилоят бўлими;  
Фарғона вилояти педагогик маҳорат маркази;  
Олий таълим, фан ва инновациялар Фарғона вилояти бошқармаси ҳамда  
Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ўртасидаги  
ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Феврал ойида ўтказилган навбатдаги тадбирда Фарғона вилояти ҳокими  
ўринбосари – оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Кавлонова Комила  
Анваровна, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Фарғона филиали  
раҳбари Ақбаров Аҳаджон Иброҳимович, Тошлоқ тумани “Абу Ханифа”  
масжиди имом хатиби Эгамбердиев Шукурулло Тожибоевич, Кўқон  
университети проректори, профессор Қобилова Зебо Бакировна, Фарғона  
вилоятииички ишлар бошқармаси ЖХХ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси  
бошқармаси бошлиқ ўринбосари Ўринова Дилшода Адҳамовналар ўз  
маърузалари билан ҳамда туман-шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари-оила ва  
хотин-қизлар бўлими раҳбарлари тингловчи сифатида иштирок этдилар.

Мазкур тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона  
вилояти Кенгаши раиси ўринбосари Отабоев Аброр Ҳамдамович “Аёллар  
дафтарининг 6-босқичи, жойлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ хотин-қизлар  
билин ишлаш” мавзусида, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Фарғона  
филиали раҳбари ўринбосари Раҳмонов Самандар Олимжонович “Фаолият  
самарадорлигини баҳолаш, ойлик иш режалари мониторингини юритиш  
тартиблари” мавзусида, Давлат бошқарув академияси Фарғона филиали раҳбари  
Фозилов Умиджон Закирович “Бошқарув қўникмаларини шакллантириш ва  
жамоа билан ишлаш” мавзусидаги маърузалари билан иштирок этди.

Ушбу лойиҳанинг илк натижаларини олсак, 2024-йил давомида жами  
вилоят ва туман, шаҳар ахборот-кутубхоналар аъзолик сони 190318 нафарни  
ташкил этган бўлиб, ўртача 1 ой давомида 16 минга яқин янги китобхон аъзо  
қилинган. Усбу лойиҳа бошлангандан 1 ой давомида вилоят ва барча туман,  
шаҳар ахборот-кутубхона марказларига давлат хизматчиларининг аъзолик сони

53401 нафарни ташкил этди. Бу кутубхонага аъзолар сонининг ўтган йилга нисбатан 3.3 баробарга ошганини кўриш мумкин.



Турли учрашувларга бой бўлган мазкур ҳамкорлик лойиҳалар давлат хизматчиларини китобхонликга жалб қилиш, уларнинг орасида мутолаа маданиятини ошириш, аҳолини китоб мутолаасига қизиқишини ривожлантириш учун ахборот-кутубхона муассасалар билан ҳамкорлигини янада самарадорлигини ошириш, ёшлар ва жамоат ташкилотлари билан узоқ муддатли алоқаларни йўлга қўйиш, соҳа фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасизdir.

Хулоса қилиб айтганда, ҳамкорлик ҳар доим янги қизиқарли лойиҳаларни ривожлантириш, ўсиш ва амалга ошириш учун ажойиб имкониятдир. Ҳамкорлар базасини доимий равища ошириш ва мустаҳкамлаш орқали биз ўз муассасамизни, ғояларимизни қўллаб-қувватлашга тайёр бўлган содик дўстларга эга бўламиз.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 июндаги ПҚ-4354-сон қарори. Фарғона вилоят ҳокимининг 2019-йил 16-июлдаги 254-ф-фармойиши.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 декабрдаги “2020-2025 йилларда китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-куватлаш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори.
3. Фарғона вилоят ҳокимининг 2024-йил 23-апрелдаги 295-01-50-сонли Фарғона вилоятида “Китобхон давлат хизматчиси” кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури.
4. Фарғона вилоят ҳокимининг 2024-йил 10-декабрдаги 663-11-0-К/24-сонли ““Давлат хизматчиси кутубхонада бир кун” лойиҳасини ташкил этиш ва ўтказишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.